

Ўзбекистон Республикаси номидан

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Пастдарғом тумани **Protected by PDF Anti-Copy Free** 2023 йил 10 ноябрь

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)
Пастдарғом туманларaro иқтисодий суди, судья Л.Асатов раислигида,
судья ёрдамчиси Д.Хайруллаев суд мажлиси котиблигида, [REDACTED]
[REDACTED]нинг қар [REDACTED] фермер
хўжалиги (бундан буён ма [REDACTED] деб юритилади)ни соддалаштирилган
тартибда банкрот деб топиш [REDACTED]даги аризаси бўйича ишни, суд биносида,
очиқ суд мажлисида, аризачи вакили [REDACTED] (ишончнома асосида), қарздор
вакили [REDACTED] (раҳбар)лар иштирокида кўриб, қуйидагиларни,–

а н и қ л а д и:

[REDACTED] судга ариза билан мурожаат
килиб, қарздор – [REDACTED] ф/хни соддалаштирилган
тартибда банкрот деб топишни ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни
сўраган.

Суд мажлисида аризачи вакили қарздорнинг солиқ ва бошқа мажбурий
тўловлар бўйича қарздорлиги тўланмасдан келинаётганлиги, барча чоралар
кўрилганига қарамасдан, уни ундиришнинг имкони бўлмаганлиги, Мажбурий
ижро бюроси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва
бошқа органлар қарорларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунига асосан ижро
этиш имконияти мавжуд бўлмаганлиги сабабли ижро ҳужжатлари ундирувчига
ижросиз қайтарилганлигини таъкидлаб, қарздорни соддалаштирилган тартибда
банкрот деб топишни сўради.

Суд мажлиси муҳокамасида иштирок этган қарздор вакили тушунтириш
бериб, иш бўйича қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Суд, аризачи ва қарздор вакиллари тушунтиришини эшитиб, иш
ҳужжатларини ўрганиб, қуйидагиларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим
деб топди.

Ўзбекистон Республикасининг «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги
Қонуни 5-моддасига мувофиқ тўловга қобилиятсизлик аломатлари
қуйидагилардан иборат: вақтинча тўловга қобилиятсизлик – агар тегишли
мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан
бажарилмаган бўлса, шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга
тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга
муурожаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар
талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз
мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги; доимий тўловга қобилиятсизлик
– агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги
ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган
йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг
активлари қийматидан ошиб кетган бўлса. Ушбу моддада назарда тутилган
қоидалар тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган
тартибда кўриб чиқиладиганда, жисмоний шахслар, шунингдек якка тартибдаги
тадбиркорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар кўриб
чиқиладиганда қўлланилмайди.



Иш ҳужжатларидан ва суд жараёнида аниқланишича, қарздор – [Redacted] ф/х юридик шахс сифатида 27.04.2006 йилда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, хўжаликнинг таъсисчиси Н.Бобоназаров, қарздорнинг юридик маъноси Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Мирза қишлоғи кўрсатилган. Аризачи томонидан қарздорнинг қарздорлиги ўрганилганда, 28.09.2023 йил ҳолатига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи 83 534 860,38 сўмни тўлаш қилганлиги аниқланган. Юзага келган солиқ қарзини ундириш бўйича суд органи томонидан қарздорнинг банкига юборилган инкассо топшириқлари, банк ҳисобварағида етарли маблағ бўлмаганлиги сабабли банк органи томонидан 2-сон картотекага жойлаштирилган.

Қонун 45-моддаси 2-қисмига кўра давлат солиқ хизмати органининг ҳамда бошқа ваколатли органнинг қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризасига қонунчиликка мувофиқ солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича қарзни қайтариб олишга доир чора-тадбирлар қўрилганлиги далиллари илова қилиниши керак.

Аризачи қарздордан солиқ мажбуриятига эга шахснинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарзини ундириш бўйича қабул қилинган қарорлар ижро қилиш учун Мажбурий ижро бюроси Пастдарғом туман бўлимига юборилган. Мажбурий ижро бюроси Пастдарғом туман бўлими давлат ижрочилар томонидан «Ижро ишини юритишни тамомлаш ва ижро ҳужжатини ундирувчига қайтариш тўғрисида»ги қарорлари билан Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни 40-моддаси 1-қисми 3-бандига асосан ижро ҳужжатлари ундирувчига ижросиз қайтарилган. Аризачи томонидан тегишли давлат ташкилотларидан олинган маълумотномаларга кўра қарздорнинг мол-мулклари мавжуд эмас.

Қонуннинг 52-моддасига кўра суд тўловга қобилиятсизликка оид тиклаш тартиб-таомилларидан бирини жорий этиш, келишув битимини тасдиқлаш ёки тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш учун асослар мавжуд бўлмаганда суднинг қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ушбу Қонун 5-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган тўловга қобилиятсизлик аломатлари аниқланган ҳолларда қабул қилинади. Суднинг қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорида қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш, тугатиш бошқарувчисини тайинлаш ва унга ҳақ тўлаш ҳақидаги кўрсатма акс эттирилиши керак.

Қайд этилганларга кўра, суд аризачининг қарздорни соддалаштирилган тартиб-таомил асосида банкрот деб эътироф этиш тўғрисидаги талабини асосли деб ҳисоблаб, уни қаноатлантиришни, суд харажатларини эса ИПК 118-моддасига асосан қарздор зиммасига юклашни лозим топади.

Қонуннинг 142-моддасига асосан суд қарздорни банкрот деб топиш ҳақида қарор қабул қилаётганда тугатиш бошқарувчисини ташқи бошқарувчини тайинлаш учун назарда тутилган тартибда тайинлайди. Устав ҳолатида (устав капиталида) давлатнинг улуши бўлган корхона банкрот деб топилган тақдирда, ваколатли давлат органи ҳам тугатиш бошқарувчилигига қарор тақдим этиши мумкин.



Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан тугатиш бошқарувчилиққа тавсия қилинган номзодлар ичидан тўртинчи тоифали суд бошқарувчиси аттестатига эътибор берилган. Тугатиш бошқарувчи вазифасига тайинлашни лозим топди.

Қонуннинг 51-моддаси 2-қисмига кўра тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатлари, агар ушбу Қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, дарҳол тайинлиши лозим.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118,128,170,176–179,186-моддалари риоя қилиб, суд,—

қ а р о р қ и л д и:

Ариза қаноатлантирилсин.

Қарздор — [] ф/х соддалаштирилган тартиб-таомил асосида банкрот деб топилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин. Қарздор — [] ф/хнинг тугатиш бошқарувчиси этиб тўртинчи тоифали суд бошқарувчиси [] тайинлансин.

Тугатиш бошқарувчиси [] зиммасига:

— [] ф/х банкрот деб топилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Қонуни 53-54 ва 143-моддаларида кўрсатилган қоидаларга риоя қилган ҳолда маълумотларни расмий нашрда эълон қилиш;

— Қонун 23 ва 144-моддаларида белгиланган барча мажбуриятларини тўлиқ бажариш;

— тугатишга доир иш юритиш жараёнини қонунда белгиланган тартибда олиб бориш ва оралиқ ҳисоботларни заруратга қараб судга тақдим қилиб бориш, 10.02.2024 йилга қадар эса тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тўғрисида ҳисоботни тақдим қилиш юклатилсин.

Қарздор — [] ф/х раҳбари ва ҳисобчиси зиммасига уч иш куни ичида корхонанинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликлари тугатиш бошқарувчисига топширилишини таъминлаш мажбурияти юклатилсин.

Қарздор — [] ф/х ҳисобидан республика бюджети даромадига 990 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Қарздор — [] ф/х ҳисобидан [] фойдасига 33 000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қарори кўчирма нусхалари [] [], қарздор ва Мажбурий ижро бюроси Пастдарғом туман бўлимига юборилсин.

Ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Раислик қилувчи

Л.Асатов

